



у.г. "18" сентябрь № 232-К Самарқанд t-p Самарқанд

Тумандаги «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Саримазор» маҳалласида яшовчи фуқаро Нуруллаев Нодир Хусеновичга тегишли уй-жойини бир қисмини тураржой тоифасидан нотурар жой тоифа (миллий ширинликлар ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи)га айлантириш ҳақида

Тумандаги «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Саримазор» маҳалласида яшовчи фуқаро Нуруллаев Нодир Хусеновичнинг номига туман ҳокимининг 2015 йил 15 январда 90-Қ сонли қарори билан уй жойига эгалик қилиш ҳуқуқи тикланган, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномаси инobatга олиб у туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини бир қисмини нотурар жой тоифа (миллий ширинликлар ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи)га айлантириб беришни сўраган.

Юқоридагиларни инobatга олиб фуқаро Нуруллаев Нодир Хусеновичга тегишли уй-жойига туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатлари ва хулосаси, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг хулосаси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида уй жойни кўздан кечириш далolatномаси ва оила аъзоларининг розилик аризаларини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига асосан,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Саримазор» маҳалласида яшовчи фуқаро Нуруллаев Нодир Хусенович номига туман ҳокимининг 2015 йил 15 январда 90-Қ сонли қарорига асосан расмийлаштирилган уй-жойи 622,05 кв.м. ер майдонида жойлашган бўлиб, уй-жойининг бир қисми (1/2-литердаги уй-жой 143,14 кв.м., ёрдамчи хоналар 2-литердаги 49,15 кв.м. ертўла, 3-литердаги ошхона, хаммом, ечиниш хонаси ва хожатхона 90,37 кв.м., 4-литердаги айвон 81,59 кв.м.)ни, 364,25 кв.м. қисми нотурар жой тоифа (миллий ширинликлар ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи)га айлантиришга рухсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Мардонқулов)га туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини